

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334.75 (575.15)

РАХМОНОВ БЕКЗОД МУЗАФФАР ЎҒЛИ

ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ
(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

5А 230103 - Макроиқтисодиёт

Магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация


Илмий раҳбар:
и.ф.д., профессор Б.Б.Беркинов

ТОШКЕНТ – 2019


Магистрлик диссертацияси “Макроиктисодиёт” кафедрасида дастлабки
химоядан ўтган.

10 - сонли баённома “31” май 2019 й.и.г.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Беркинов Б.Б.

 31.05.19г
(имзо) (сана)

Магистр: Рахмонов Б.М.

 31.05.19г
(имзо) (сана)

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда тадбиркорлик мухитини такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатлари, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, иктисодиётнинг барқарор ривожланишидаги ролини ошириш йўналишлари асосланган.

Шунингдек, ишда Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик мухитининг ҳудуд иктисодиётини ривожланишига таъсири ва самарадорлиги баҳоланган. Ҳудудларда тадбиркорлик мухитини такомиллаштириш ва уни инновацион фазога айлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

АННОТАЦИЯ

Обоснованы научно-методические аспекты совершенствования предпринимательской среды и направление господдержки, а также повышения роли предпринимательства в устойчивом развитии экономики Узбекистана. В работе оценены эффективность и влияние предпринимательской среды на развитие экономики Сурхандарьинского вилоята. Разработаны предложения по совершенствованию предпринимательской среды территории и повышения ее инновационной активности.

ANNOTATION

The scientific and methodological aspects of improving the business environment and the direction of state support, as well as enhancing the role of entrepreneurship in the sustainable development of the economy of Uzbekistan, are substantiated. The paper assesses the effectiveness and influence of the business environment on the development of the economy of the Surkhandarya region. Developed proposals to improve the business environment of the territory and increase its innovative activity.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1 БОБ. ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛ- ЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	8
1.1. Тадбиркорлик фаолиятининг мазмун-моҳияти ва ривожланишининг устувор вазифалари.....	8
1.2. Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш асослари.....	11
1.3. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда тадбиркорликнинг ролини ошириш йўналишлари.....	17
1-боб бўйича хулоса.....	25
2 БОБ. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ.....	26
2.1. Сурхондарё вилоятининг асосий ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлари ўзгариши таҳлили.....	26
2.2. Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик фаолияти ривожланиши- нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ривожланиш тенденциялари.....	34
2.3. Сурхондарё вилоятида тадбиркорликнинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишидаги ўрни.....	50
2-боб бўйича хулоса.....	58
3 БОБ. ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	60
3.1. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	60
3.2. Ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инновацион фаоллигини ошириш.....	69
3-боб бўйича хулоса.....	79
ХУЛОСА.....	81
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	85
ИЛОВАЛАР.....	91

Кириш

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Хусусий тадбиркорлик иқтисодиёт ривожланишига, бандлик муаммоларнинг ҳал этилишига, аҳоли даромадини ўсишига катта таъсир кўрсатади. Хусусий тадбиркорлик билан кўпчилик шуғулланиш имкониятига эга, чунки у катта миқдордаги дастлабки сармояни талаб қилмайди, айниқса унинг кичик бизнес шакли бозор иқтисодиётига ихчамлиги билан тез мослашади. У йирик корхоналар учун фойдасиз ва зарарли бўлиб қолган товарларни ишлаб чиқаришда юқори рентабелликни таъминлайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада оқилона ишлаб чиқариш-хўжалик кооперацияси учун қулай шароит яратади. Хўжалик юритишнинг кичик бизнес шакллариининг энг муҳим устунлиги шундан иборатки, у кам сармоя ва янги корхонани очиш ёки эски объектни реконструкция қилиш учун нисбатан қисқа муддатларни талаб қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шу ва бошқа ижтимоий-иқтисодий функциялари, уни ривожлантиришни давлатнинг муҳим вазифалари қаторига қўяди.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг VIII-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек¹, “Маълумки, бугунги кунда тадбиркорлик соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга этди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда”.

Шунинг учун республика вилоятларида амалга оширилаётган вазифалар тадбиркорликни ва хусусий мулкчиликни ривожлантиришга ҳамда ушбу соҳада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Тадбиркорликка ҳудудларда кенг йўл очиб бериш, зарурий

¹ Ш.Мирзиёев. “Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш-барқарор тараққиёт кафолатидир”. Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг VIII-сессиясидаги маърузаси